# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган · № 139 (9.789) 2002 йил 25 ноябрь, душанба · Сотувда эркин нархда


# ИСЛОМ КАРИМОВ НАТО САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**ЎзА махсус мухбири А. Бобоев Прагадан хабар қилади.**

Илгари хабар қилинганидек, НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этиш учун Прагага ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТО Бош котиби Жорж Робертсон билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон ва НАТО ҳамкорлигининг бугунги аҳволи, дунёдаги сиёсий вазият, терроризмга қарши кураш билан боғлиқ масалаларда фикр алмашилди. Жорж Робертсон Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, Президент Ислом Каримовнинг жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташаббусларини юқори баҳолади. Томонлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлашди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг бу галги саммити асримизнинг тарихий воқеалари сирасига киради. Зеро, бу галги саммит аввалгидек, мафкуравий қарама-қаршиликлар шароитида эмас, балки сайёрамизда тинчликни мустаҳкамлашдек долзарб масала кўндаланг бўлиб турган бир пайтда ўтди. Шу боис НАТО тузилмасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур саммитда кўрилган масалалар дунёдаги ҳеч бир мамлакатни бефарқ қолдирмайди. Чунки, инсоният халқаро террорчилик муаммосига дуч келиб турибди. Унга қарши кураш эса дунё миқёсида ҳамкорликни тақозо этаётир.

Саммитда Литва, Латвия, Эстония, Болгария, Руминия, Словения ва Словакия Шимолий атлантика иттифоқига аъзоликка таклиф қилинди.

Прага саммитида Ироқ масаласи ҳам кўрилди. Мажлис иштирокчилари Ироқ БМТ Хавфсизлик кенгаши резолюцияси талабларини сўзсиз бажариши лозим, деган қатъий қарорга келди.

Шунингдек, Шимолий атлантика иттифоқига аъзо мамлакатлар раҳбарлари томонидан НАТОнинг ҳарбий тузилмасини ислоҳ этиш бўйича муҳим қарор қабул қилинди. Жумладан, тез ҳаракатланувчи бирлашган кучларни ташкил этиш ва унинг салоҳиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

22 ноябрь куни Президент Ислом Каримов Прагадаги ҳашаматли «Конгресс-центр»да АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида тобора ривожланиб бораётган муносабатлар, жаҳонда ва минтақамизда хавфсизликни таъминлаш ҳамда халқаро террорчиликка қарши курашда ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши курашда кўрсатаётган амалий ҳаракатларини юқори баҳолади.

Президент Ислом Каримов НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда Европа Иттифоқи олий вакили даражасида ўтган мажлисда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари шу куни Франция Президенти Жак Ширак билан ҳам учрашди. Икки давлат раҳбарлари суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кенг қамровли алоқалар, дунёдаги вазият, халқаро террорчиликка қарши ҳамкорликда кураш чоралари, Афғонистонда амалга оширилаётган тиклаш ишлари ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашди.

Шу билан Прага саммити ниҳоясига етди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Раис жаноблари,

Ҳурматли давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари,

НАТОнинг бугунгидек ғоят нуфузли анжуманида сўзга чиқиш имконияти берилганлиги учун миннатдорлик билдиришга, шунингдек муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларимни қисқача баён этишга ижозат бергайсиз.

**Биринчидан.** 2001 йил 11 сентябрдаги фожеали воқеалар ҳамда дунёнинг турли бурчакларида такрорланиб келаётган мудҳиш террорчилик хуружлари натижасида мутлақо бегуноҳ одамлар қурбон бўлиши ушбу даҳшатли таҳдиддан бирон-бир мамлакат ўзини бехавотир сезолмаслиги ҳақидаги аччиқ ҳақиқат аён бўлди. Хавфсизликни, чиндан ҳам, якка ҳолда таъминлаш қийинлиги ва фақат ҳамжиҳат саъй-ҳаракатлар билангина терроризм балосининг олдини олиш ва бартараф этиш мумкинлиги эътироф этила бошланди.

Биз НАТОга янги аъзолар таклиф этиш, унинг таркибига кирмайдиган мамлакатлар, аввало, Россия билан сифат жиҳатидан янги муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, НАТО тузилмаларини хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларга мослаштириш ва ўзгартириш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга оид қарорларни қўллаб-қувватлаймиз.

Бизнинг минтақадаги хавфсизлик билан боғлиқ аҳвол ҳақида сўз кетганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у бир йил аввалги ҳолатдан жиддий фарқ қилади.

Минтақамиздаги мамлакатлар Афғонистон ҳудудидаги босқинчи ва террорчи кучлар томонидан ҳар йили содир этиладиган қўпорувчилик хуружларидан халос бўлди. Энг муҳими, уларнинг ортида турган, ҳаддидан ошган толибларнинг ҳудудимизга бостириб кириши таҳдиди билан боғлиқ доимий хавф-хатардан қутулди.

Ўзбекистон, Афғонистонда амалга оширилган операциянинг ғоят масъулиятли даврида антитеррористик коалицияни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўзи учун осон бўлмаган қарор қабул қилган мамлакат сифатида ушбу таҳдид бартараф этилгани учун барча давлатларга, биринчи навбатда, халқаро террорчилик ўчоқларини йўқ қилиш ҳамда Афғонистонни тинч ҳаётга қайтариш борасидаги ҳаракатларга бош бўлган ва асосий масъулиятни ўз зиммасига олган АҚШга ўз миннатдорлигини билдиради.

Шу билан бирга, биз яхши англаймизки, Афғонистондаги ҳамда чегара ҳудудларидаги мураккаб вазият ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топгани йўқ.

У ерда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб муаммолар мавжуд.

Улар, аввало, қуролсизлантириш, миллий армия ва давлат бошқарувини шакллантириш, Афғонистонни тинч ҳаётга қайтариш бўйича дастурларни амалга ошириш ва зарур маблағларни топиш ҳақидаги Токио конференцияси қарорларини бажаришдан иборат.

Шу муносабат билан, менинг назаримда, муҳим бир хулосани айтиш лозим.

Бутун халқаро ҳамжамият Афғонистон ўн йиллар мобайнида турли тоифадаги ақидапарастлар, экстремистлар ва террорчилар учун полигонга айланганини бефарқ кузатиб келди. Афғонистоннинг бу аянчли тажрибаси, аввало, шундан далолат берадики, замонавий тараққиёт учун энг хавфли таҳдид бўлган террорчилик балоси оқибатларига қарши курашиш уни юзага келтирадиган сабабларни ўз вақтида бартараф этишдан кўра қийин ва мураккаброқдир.

Шу нуқтаи назардан, АҚШнинг жаҳоннинг бошқа минтақаларида, хусусан, Ироқда воқеаларнинг бундай салбий тус олишига йўл қўймасликка интилиш борасидаги қатъий ва изчил позицияси қўллаб-қувватлашга муносиб.

**Иккинчидан.** Бугунги кунда халқаро террорчилик ўзи озиқланиб келаётган, тобора наркоагрессия тусини олаётган наркотрафик билан чамбарчас боғланиб кетмоқда.

Наркотиклар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бораётгани ва дунёдаги энг йирик наркотрафик каналлардан бири Афғонистондан бошланиши жиддий ташвиш уйғотади.

Улкан молиявий ва бошқа ресурсларга эга бўлган халқаро наркотрафик — энг аввало, қудратли, яхши уюшган, бугунги кунда деярли бутун дунёни қамраб олган тизим сифатида миллионлаб одамларнинг ҳаётига таҳдид солмоқда.

Афсуски, бугунги кунда турли халқаро ташкилотлар шафеълигида амалга оширилаётган кўплаб дастурлар ва Марказий Осиё минтақасида ушбу таҳдидга қарши қўйишимиз мумкин бўлган чора-тадбирлар ўзаро яхши мувофиқлаштирилмаган, молиявий ҳамда моддий ресурслар билан етарли даражада мустаҳкамланмаган.

Менимча, ушбу тарқоқ дастурлар ўрнига, аввало, мазкур даҳшатли таҳдид манбаларини бартараф этиш ва минтақада "хавфсизлик камари"ни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини яратиш керак. Ягона марказдан бошқариладиган аниқ, қатъий, пухта ўйланган профилактика ва огоҳ этувчи чора-тадбирлардан иборат бу тизимни ташкил этиш зарурлигини эса исботлашга ҳожат йўқ.

**Учинчидан.** Ўзбекистон НАТОга аъзо мамлакатларнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларини янада фаоллаштиришга, биринчи навбатда, хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, террорчиликка қарши курашиш борасида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тарафдоримиз.

Шу билан бирга, биз НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши билан демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, экологик хавфсизликни кучайтиришга кўмаклашиш масалалари бўйича ҳамкорлигимизнинг реал истиқболларини кўриб турибмиз.

Барча давлатлар томонидан БМТнинг ядровий ва бошқа оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги қарорлари, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги резолюциясининг бажарилишини таъминлаш масалалари НАТОнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигида муҳим йўналиш ҳисобланади.

Агар бугунги кунда террорчилар кимёвий, биологик, ядровий қуроллар ва юқори технологик ишланмаларни қўлга киритишга интилаётганини ҳисобга олсак, минтақамиз мамлакатларининг бу соҳада НАТО билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш янада муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Сўзим якунида XXI аср вабоси ҳисобланмиш халқаро террорчиликка қарши фақат ҳамжиҳатликда курашиш мумкинлигини яна бир бор таъкидлашни истардим.

"Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида йўл тутиб, бундай ғайриинсоний таҳдиддан ҳимояланишга интилишнинг келажаги йўқ, янада аниқроқ айтганда, мутлақо самарасиздир.

Бугун ушбу курашда кўп нарса ҳар бир мамлакатнинг бу жараёнда нечоғлик фаол иштирок этишига боғлиқдир.

Ўзбекистон бундан буён ҳам НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзининг собит йўлига амал қилаверади ҳамда хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантириш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар





**Шаҳримиздаги «Анат» қўшма корхонасида тайёрланаётган сифатли маҳсулотларга талаб тобора ортиб бормоқда.**

**СУРАТЛАРДА: қўшма корхонанинг тайёр маҳсулотлари; корхонанинг тажрибали ишчиларидан бири Валентина Егина.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

ТАНЛОВЛАР

## Президент асарлари билимдони

**Келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва салоҳиятли, ақлан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етиши йўлида кўп саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Ўтказилаётган кўрик-танловлар, фан олимпиадалари, қизиқарли беллашувлар айнан мана шу мақсадларга хизмат қилмоқда.**

Куни кеча шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамкорлигида шаҳар мактаб ўқувчилари ўртасида «Президент асарлари билимдони» кўрик-танловининг пойтахт босқичи бўлиб ўтди.

Танловда туманларда ғолибликни қўлга киритган ўн битта юқори синф ўқувчилари иштирок этиб, Президент асарлари юзасидан реферат ва ижодий иш (иншо ёки расм, тасвирий санъат намуналари ёки шеър)ларини тақдим этдилар. «Танишув» ва руҳий дам олиш тренинглари, Президент асарлари юзасидан тест синовлари ўтказилди.

— Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад — дейди ҳайъат аъзоси, «Камалак» шаҳар болалар ташкилоти раиси Гулчеҳра Олимжонова. — Ёшларимизда она-Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларини юксалтириш, миллий анъаналаримизга, маданий меросларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш ва Юртбошимиз асарларини ўқиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, мамлакатимизнинг бугуни ва эртаси уларга алоқадорлиги, халқ манфаати билан ўз манфаатларини уйғунлаштиришни тушунишга ва билишга интилаётган ёшларни рағбатлантиришга қаратилган.

Ҳакамлар ҳайъати танлов натижаларини одилона баҳолаб Миробод туманидаги 328-мактаб ўқувчиси Фаррух Жўраев биринчи ўринга, Мирзо Улуғбек туманидаги 50-мактаб ўқувчиси Олег Ушаков иккинчи ўринга, Юнусобод туманидаги 246-мактаб ўқувчиси Артем Верхових учинчи ўринга сазовор бўлганини эълон қилдилар. Танлов ғолиби Фаррух Жўраев Республика кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Барча қатнашчилар Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилишида «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.

● Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 2002 йилда қишлоқ хўжалигида бажарилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳамда 2003 йилдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг бўлиб ўтган мажлисида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижалари кўриб чиқилди.

● **Бугун** пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуида республика ноозиқ-овқат товарлар улгуржи ярмаркаси ўз ишини давом эттирди. Унда мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идораларига қарашли ишлаб чиқариш корхоналарининг халқ истеъмоли маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Мазкур ярмарка 29 ноябргача давом этади.

● Шаҳрисабздаги Туркия ва Япония компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси 4,5 миллион доллар ҳажмдаги маҳсулотни экспортга жўнатди. Мутахассисларнинг фикрича, маҳсулотлар жаҳон андозалари даражасига тўлалигича жавоб беради.

● Пойтахтимизда халқ усталари яратган буюмларнинг анъанавий кўргазма-ярмаркаси очилди.

● Халқаро бизнес-марказда Ўзбекистон-Япония маркази томонидан ташкил этилган «Лойиҳаларни бошқариш» мавзуидаги семинар якунланди.

● «Экосан» халқаро жамғармасида «Ўзбекистон: атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари» мавзуида халқаро учрашув бўлиб ўтди.

● Тошкент архитектура-қурилиш институтида Тошкент шаҳар олий таълим муассасалари биринчи проректорлари, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор-ўқитувчилари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари раҳбар ходимлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида чет эл муаллифларининг асарларини таржима қилиш, уларнинг сифатини ошириш, бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакат олий ўқув юртларида малакали таржимонларни тайёрлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида оташнафас шоир Усмон Носир таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан хотирлаш тадбири бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилоятида «Миллий қадриятлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли» танлови якунланди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

● **Эртага** Фарғонада маҳаллий «Нефтчи» футбол жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг тўртинчи босқич жавоб учрашувини Эроннинг «Истиқлол» жамоасига қарши ўтказади.

● **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан сониясига 3-8 метр тезликда шамол эсди. Кундузи ҳаво ҳарорати 14-16 даража илиқ бўлди.

### Жаҳонда

● Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Р. Исаев ўриндошлик асосида Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Африка Республикасидаги элчиси этиб тайинланганлиги муносабати билан ЖАР Президенти Табо Мбекига ишонч ёрлиқларини топширди.

● Илгари хабар берганимиздек, Санкт-Петербургда бўлган Россия Президенти Владимир Путин ва АҚШ Президенти Жорж Буш ўртасидаги учрашувда терроризмга қарши биргаликдаги кураш, Ироқ атрофидаги вазият, Россия ва НАТО ўзаро муносабатларининг истиқболлари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Жорж Буш таъкидлаганидек, НАТО бундан буён Россияга ўзининг душмани сифатида қарамайди.

● **Кеча** Эквадорда президентлик сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

● Кирсан Илюмжинов Қалмиқистон Президенти лавозимини яна бажаришга киришди. Элистада инаугурация маросими бўлиб ўтди.

● **Кеча** Австрияда парламентнинг қуйи палатасига навбатдан ташқари сайловлар бўлиб ўтди. Унда ғолиб чиққан партия етакчиси мамлакат Федерал канцлери лавозимини эгаллайди.

● Покистонда кейинги уч йил мобайнида биринчи марта ҳукумат раҳбари лавозимини ҳарбий бўлмаган киши бажаришга киришди. З. Жамоли янги маҳкамани ташкил этишга киришди.

● **Бугун** Ироққа БМТнинг қуролсизланиш бўйича экспертлари иккинчи комиссияси келади. Инспекциянинг оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш эҳтимоллари бўлган объектларини текшириш бошланади.

● Ироқ Президенти Саддам Ҳусайннинг ўғли Удей бошқараётган, мамлакатдаги энг нуфузли бўлган «Бобил» газетаси бир ойга ўз фаолиятини тўхтатди. Расмий Бағдоднинг таъкидлашича, газета ҳукумат фаолияти билан боғлиқ хабарларни ёритишда хатоликларга йўл қўйган. Маълумки, «Бобил» газетаси Ироқ ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни ёритаётган мамлакатдаги ягона нашр ҳисобланади.

● Владикавказда барча озиқ-овқат ва кийим-кечак дўконлари беркитиб қўйилди. Бунинг боиси Шимолий Осетияда тайёрланаётган қатор террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги ахборотларнинг тарқатилганлигидир.

● Лондон ўт ўчирувчиларининг саккиз кунлик иш ташлашлари фожиали воқеалар билан тугади. Ўт ўчирувчилар бутунлай кули кўкка совурилган фабрикадаги ёнғинни ўчиришдан бош тортдилар.

● **Кеча** тунда Ҳиндистон ҳарбийлари Жамму ва Қашмир штатидаги бир неча юз тинч аҳолини гаровда ушлаб турган икки жангари кириб олган эҳромни штурм билан қўлга олдилар. Террорчилар йўқ қилинди, гаровдаги ўн киши ҳалок бўлди, 50 га яқин киши жароҳатланди.

● Индонезия полициясининг билдиришича, куни кеча ҳибсга олинган Имом Самудра октябрь ойи бошида Бали оролидаги тунги клубда амалга оширилган портлаш жавобгарлигини тан олди. Ҳозирга қадар темир панжара ортида фақат бир киши, яъни тунги клуб ёнида портлаган микроавтобус эгаси Амрози ўтирган бўлиб, у Имом Самудра билан террордан олти кун аввал учрашган эди.

● Австралия махсус ҳарбий бўлинмалари яқинда Афғонистондаги Халқаро хавфсизлик кучлари таркибидан чиқарилади. Ноябрь ойининг охиригача австралиялик 150 нафар ҳарбий ўз ватанига қайтарилади.

● **Кеча** Канаверал бурунидан ичида экипажнинг уч нафар аъзоси бўлган Америка космик кемаси муваффақиятли равишда учирилди.

● Монреаль-Париж йўналиши бўйича парвоз қилган Франциянинг «Air Frace» компаниясига қарашли самолёт ўғирлашга ҳаракат қилинди. Келиб чиқиши марокашлик дея айтилаётган жиноятчи самолётни эгаллашга ҳаракат қилган. Лекин унинг хавфи бартараф этилиб, самолёт Парижга қўнишга муваффақ бўлди. Сўнгроқ Франция томони ушбу воқеани террор ҳаракати эмас, икки кишининг ўзаро тортишуви билан изоҳлади.

● **Кеча** Этна вулқони яна уйғонди.

ФУТБОЛ

## Чемпион ғалаба қозонди

**ЎТГАН КУНИ ўтказилган мамлакат XI миллий чемпионатининг 29-тур учрашувлари ишқибозлар учун кутилмаган натижаларни туҳфа этди.**

Аввалги турда «Машъал»га имкониятни бой берган «Пахтакор» жамоаси «Сурхон» билан кечган беллашувда ҳужумкор ўйин намойиш этиб 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. Мезбонлар дарвозасига тошкентликлардан Гейнрих, Қуттибоев, Қосимовлар гол йўллаб ишқибозлари кўнглини шод этишди.

Пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган мураббий Мирзоҳид Ғуломов етакчилигидаги «Трактор» жамоаси сафарда «Самарқанд-Динамо»га қарши майдонга тушди. Учрашувда ҳар икки жамоа ғалаба қозониш учун қанчалик уринишмасин, 90 дақиқа давомида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Машъал» 1:1, «Сўғдиёна» — «Навбаҳор» 3:1, «Зарафшон» — «Андижон» 2:1, «Қўқон-1912» — «Металлург» 1:0, «Насаф» — «Қизилқум» 2:2.

Сўнгги 30-тур баҳслари 30 ноябрда бўлиб ўтади.

# СУД, ҲУҚУҚ ВА МАТБУОТ

**Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш энг муҳим вазифалардан эканлигини таъкидлаган эди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Одил судлов — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати» мавзуидаги давра суҳбати Президентимизнинг мазкур маърузасида белгилаб берилган устувор йўналиш ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги масалалар муҳокамасига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А. Ишметов бошқарган мазкур анжуманда судга мурожаат этиш борасидаги муаммо ва ечимлар, судларнинг ихтисослашуви, суд ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги каби мавзуларда атрофлича фикр-мулоҳаза алмашилди.

Бош қонунимизнинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Фуқаролик ишлари бўйича судларга 1990 йилда фуқароларимиздан 67 мингга яқин мурожаат келиб тушган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 110 мингдан ошди.

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А. Саидов, Ҳарбий суд раиси Т. Мирзаев, Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б. Мирбобоев ва бошқалар иштирок этган йиғилишда, шунингдек, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи қизиқарли баҳс-мунозаралар руҳида муҳокама этилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

# БАНК ва мижоз

## УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИБ

**Кейинги йилларда мамлакатимизда турар жойлар қурилиши соҳасида янги ҳуқуқий муносабатлар юзага келмоқда. Турар жойлар Уй-жой кодекси, Шаҳарсозлик кодекси, «Уй-жой сиёсатининг давлат асослари тўғрисида»ги Қонун, бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бунёд этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йилнинг январидаги «Тошкент шаҳрида уй-жойлар қурилишининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига кўра «Тошшаҳаруйжойжамғармабанк» давлат акционерлик банки ташкил этилди. Тез орада турар жойлар қурилиши тажрибасини республиканинг барча ҳудудларида оммалаштириш мақсадида у «Ўзуйжойжамғармабанк» ўзбек давлат акционерлик уй-жой жамғарма банкига айлантирилди.**

**Бугунги кунга келиб «Ўзуйжойжамғармабанк» Ўзбекистондаги энг йирик банкларнинг бирига айланди. Банкнинг филиаллари тармоғи 28 та тўлақонли бўлимлардан ташкил топган. Низом сармояси 265, 2 миллион сўм бўлган Тошкент шаҳар бўлими банкнинг энг йирик филиалларидан бири ҳисобланди. Унинг активлари ҳажми жорий йилнинг 1 ноябрига 7,076 миллиард сўмни ташкил этди. Бизнинг «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шаҳар бўлими бошлиғи Зафар ТЎЙЧИЕВ билан суҳбатимиз ҳам банк фаолияти, кўрсатилаётган хизмат турлари хусусида кечди.**

**— Зафар Нодирович, авваламбор кўрсатилаётган хизмат турлари тўғрисида маълумот берсангиз.**

— У жуда кенг кўламда ва 60 фоизгача йиллик тўловлар фоиз ставкасига эга сўм жамғармаларининг ўзига хос тизимини қамраб олади. Масалан, 15 фоиз йиллик тўлов фоиз ставкаси бўлган имтиёзли кредит ҳисобига истеъмол товарларини харид қилиш учун «Орзу» омонати ҳам ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Банк мижози маиший ва ташкилий техника воситалари, автомобиль, мебель харид қилиш, хонадонларни таъмирлаш, даволаниш ва олий ўқув юртларида таълим олиш мақсадида истеъмол кредитини олиши мумкин. Шаҳар бўлими томонидан ўз фаолияти давомида 126343,02 минг сўмлик 90 дан ортиқ истеъмол кредитлари берилди. Жорий йилда 7 киши умумий миқдори 3171, 46 минг сўмлик таълим олишга ажратилган кредитлардан фойдаланишга муваффақ бўлдилар.

Имтиёзли кредитлаш жамғармаси томонидан 2 йил муддатга 15 фоиздан ошмаган йиллик фоиз ставкалари билан, шунингдек, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига кичик ва ўрта бизнес субъектларига ҳам кредитлар ва микрокредитлар берилмоқда. Бошловчи тадбиркорлар, микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун мўлжаллаган 150 та энг кам иш ҳақи ҳажмидаги кредитдан илк сармояни шакллантириш мақсадида, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун (юридик шахс мақоми билан) 300 та энг кам иш ҳақи миқдорида бўлган ҳажмдаги кредитдан 5 фоиз йиллик ставка бўйича фойдаланишлари мумкин. Банк, бундан ташқари лизинг, асбоб-анжомлар, транспорт воситалари ва бошқа мулклар учун ҳам кенг имкониятлар очади.

Бироқ, банк фаолиятининг асосий йўналиши, бу — уй-жой-жамғарма ҳисобларини очиш ва Тошкент шаҳрида турар жойларни харид қилиш учун имтиёзли кредитларни беришдир. «Ўзуйжойжамғармабанк»ка уй-жой облигацияларини чиқариш ва муомалага киритиш, турар жой қурилишини молиялаштириш учун фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг эркин пул маблағларини жалб этиш ҳуқуқи берилган.

Биз ўз мижозларимизга сифатли банк хизматини кўрсатиш, тўловларни амалга ошириш ва офисдан «Банк-мижоз» тизими бўйича ахборотларни олиш, қимматбаҳо нарсалар ва ҳужжатларни шахсий депозитария ячейкаларида ишончли тарзда сақлаш имкониятларини таклиф этамиз.

Бундан ташқари, «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шаҳар бўлими улар бўйича барқарор тарзда дивидендлар тўланадиган ўз акцияларини ҳам сотади.

**— Жорий йилда ҳам банкнинг янги хизмат турлари йўлга қўйилдими?**

— Шу йилдан бошлаб «Ўзуйжойжамғармабанк» «American Express» компаниясининг йўл чекларини сотмоқда, сентябрь ойидан эса биз дунёдаги пул ўтказишнинг энг тезкор тизими бўлмиш «Western Union»га уландик. Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида шаҳар бўлимида иккита мини банк («Хадра» ва «Олой»), 22 та коммунал ва жамғарма кассалари фаолият кўрсатмоқда.

**— «Ўзуйжойжамғармабанк» қандай халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик қилмоқда?**

— «Ўзуйжойжамғармабанк» давлат акционерлик банки Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда хусусий тадбиркорларни микрокредитлар билан таъминлаш дастурини амалга оширмоқда. Мазкур дастур доирасида «Ўзуйжойжамғармабанк» савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган хусусий тадбиркорлар ва корхоналарга микрокредитлар ажратиш бўйича махсус кредит йўналишини очди. Бунда лойиҳалар қисқа муддатларда кўриб чиқилади ва кредитлар нақд шаклда берилади.

**— «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг асосий фаолиятига қайтсак. Банкнинг уй-жойлар қурилиши борасидаги бугунги кундаги фаолияти қандай?**

— Фаолият бошлагандан буён ва жорий йилнинг 1 ноябрига келиб «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шаҳар бўлимида 4899 та уй-жой тўплов ҳисоблари очилди, 2755 та шахсга турар жой учун умумий қиймати 4024,9 миллион сўмлик кредитлар берилди. Фақат шу йилнинг ўзида 700,7 миллион сўмлик 122 та кредит бердик.

Бугунги кунда «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шаҳар бўлими бўйича умумий майдони 324533 квадрат метр бўлган 2858 та квартирали 141 та сертификатли уй-жойлар қурилиши молиялаштирилди. Улардан умумий майдони 304327 квадрат метр бўлган 124 та уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг бошидан умумий майдони 6646 квадрат метр бўлган 33 квартирали 11 та уй-жойларни молиялаштириш ишлари амалга оширилди.

Жисмоний шахслар томонидан уй-жой облигациялари бўйича сотиб олинадиган турар жойлар қийматининг 50 фоизига давлат бюджети маблағлари ҳисобига ҳақ тўланиши, аҳоли ва юридик шахсларга, сертификатли уйларни қуриш билан машғул бўлган қурилиш ташкилотларига солиқ тўловлари юзасидан имтиёзларнинг берилиши уй-жойлар қурилишини рағбатлантиришнинг янги самарали тизимининг ташкил этилишида жуда муҳим қадам бўлди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Республика банк кенгаши тузилди

**Банк доираларида Республика банк кенгашини тузиш мавзуси анчадан бери муҳокама этиб келинарди ва кўпгина мутахассислар ушбу масаланинг ҳал этилиши банк тизимини янада эркинлаштириш, ишда кўпроқ мустақилликка эришиш имкониятларини пайдо қилади, деган фикрда эдилар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида»ги Фармони эндиликда бундай имкониятлар учун йўл очади. Фармонда келгусида банк-молия соҳасининг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чора-тадбирларнинг бутун мажмуаси кўзда тутилган. Чунончи, Республика банк кенгашига банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳуқуқи берилган. Макроиқтисодиёт ва бюджет йўналишлари билан жипс боғлиқ бўлиши мумкин бўлган пул-кредит сиёсатининг таҳлилини янада жиддийроқ асосда қўйиш ҳам кўзда тутилган. Зеро, ушбу сиёсатнинг қанчалик аниқ амалга оширилишига миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш,. пул тизимини мустаҳкамлаш, ниҳоят маблағларнинг банкдан ташқари айланишининг қисқартирилиши узвий боғлиқдир.

Республика банк кенгаши нақд пулларни омонатлар ва депозитларга жалб этиш бўйича ишларни ҳам алоҳида назорат остига олади. Муҳими шундаки, мутахассислар уларнинг биринчи навбатда қиладиган ишлари, бу — фуқароларнинг омонатларини сақлашнинг кучли механизмини ишлаб чиқиш эканлигини яширмаяптилар.

Кўпчилик банкирларнинг фикрича, кейинги муҳим вазифа келгусида кенгаш экспертлари томонидан тижорат банклари фаолиятида қўшимча иқтисодий рағбатлар тизимини ишлаб чиқишдир. Бу шубҳасиз, масалан, банклараро муносабатлар нуқтаи назаридан янги ёндошувларни ишлаб чиқишга кўмаклашади. Зеро, бундай ҳолда мамлакатимиздаги банклар ўз мустақиллигини сезиларли даражада оширишлари мумкин бўлади.

Кенгаш ўз моҳиятига кўра доимий фаолият кўрсатувчи коллегиал орган ҳисобланади ва фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисга ҳисоб беради.

Шу кунларда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат, бу — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк-молия соҳасида тадқиқотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридир. У истиқболни белгилашнинг илмий-методологик асосига таяниш лозим бўлган мамлакат молия-банк соҳасининг ривожланиш тенденцияларини чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган. Худди шу мақсадларни кўзлаб банк-молия тизими ривожланиши ва уни эркинлаштириш истиқболларини белгилаш институти ҳам ташкил қилинди. Институт экспертлари пул-кредит муносабатлари ва пул муомаласини ривожлантириш тенденциялари, валюта бозори ва валюта савдоларини ташкил этиш, халқаро молия-банк тизими ривожланишининг мониторингини батафсил ўрганадилар.



**«Авиабанк» акциядорлик тижорат банкининг фаолият доираси кейинги пайтларда тобора кенгайиб бормоқда.**

**Сергей Любчич олган сурат.**

*КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЯШАМОҚДА ВА АМАЛ ҚИЛМОҚДА*

## Илмий-амалий анжуманлар

**Шу йил 8 декабрда Бош Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига ўн йил тўлиши кенг байрам қилинади. Шу муносабат билан ҳозир жойларда Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, унинг ҳаётимиздаги тутган ўрнига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтмоқда.**

Ўзбекистон Миллий университетининг Маънавият ва маърифат марказида ҳуқуқшунослик факультети ташаббуси билан икки кун давомида Конституциямизни ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Биринчи куни Ўзбекистон Миллий университетининг олтмишдан ортиқ энг илғор талабалари тўртта шўъбага бўлинган ҳолда ўз маърузалари билан қатнашдилар. Анжуман сўнгида шўъбалар ғолиблари аниқланди.

Талабалар конференциясининг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари, юридик фанлари номзоди, доцент Узоқ Бозоров сўзга чиқиб Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, Конституциявий суднинг вазифалари, судьяларнинг мустақиллиги, республикамиздаги суд тизими хусусида тўхталиб, Асосий Қонунимизни ўрганишни оиладан бошлаш кераклигини таъкидлаган ҳолда ҳозирги кунда уни ўрганиш бўйича туманларда оилавий танловлар ўтказилаётгани тўғрисида маълумот берди.

Сўнг илмий-назарий анжуманнинг биринчи куни шўъбаларда ўз маърузалари билан ғолиб чиққан талабаларга навбат берилди. Жумладан, ҳуқуқшунослик факультетининг 2-курс талабаси Жавлон Собитов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлларининг белгиланиши», геология факультетининг 4-курс талабаси Жамшид Мавлонов «Маҳаллий давлат ҳокимияти ва конституциявий тамойиллар», ҳуқуқшунослик факультетининг 4-курс талабаси Эльмира Шафигуллина «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат хизматининг ҳуқуқий манбаи сифатида» мавзуларида маърузалар қилишди.

Анжуман якунида Конституциявий ҳуқуқ кафедраси мудири, профессор Шуҳрат Жалилов факультетнинг барча профессор-ўқитувчилари Собир Раҳимов туманидаги маҳаллаларда Асосий Қонунимизнинг ўн йиллиги олдидан маърузалар билан чиқишгани хусусида маълумот берди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган маърузалар билан чиққан уч талаба танлов ғолиблари сифатида диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, конституциявий ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси Гулбаҳор Ғаниевага «Энг яхши мураббий» сифатида, рефератлар кўргазмаси бўйича ғолиб чиққан ҳуқуқшунослик ва физика факультетларининг биринчи курс талабалари Аброр Ниғмонов ва Ж. Абдуллаевларга ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

***

**Демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан собитқадамлик билан одимлаётган юртимизда истиқлол шарофати билан ҳуқуқий фанлар ривожига ҳам катта эътибор қаратилаётгани эътиборга моликдир. Чунки ўз ҳуқуқини, бурчи ва масъулиятини яхши англаб етмаган инсоннинг камолоти ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу боисдан ҳам энг аввало мамлакатимиз Қонунларига, Бош Қомусимизга ҳурмат кучли бўлмоғи зарур.**

Юртимизга малакали ҳуқуқ соҳаси билимдонлари, ички ишлар соҳаси ходимларини етказиб беришдек масъулиятли вазифани бажариб келаётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бу борада қилинаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Куни кеча мазкур илм даргоҳида ўқитувчилар ва бу ерда таҳсил олаётган ёшлар иштирокида Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 10 йиллиги олдидан «Конституция ва фуқаролик жамияти муаммолари» мавзуида анжуман ўтказилди. Унда иштирок этганлар Конституциянинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш — келажак сари қўйилган муҳим қадам эканлигини, асосийси фуқаролик жамиятини такомиллаштириш учун ҳаракат қилаётган фуқароларимиз, хусусан ёшларимизнинг ҳуқуқ соҳаси билимдони бўлиши шарт эканлигини қайта-қайта таъкидлашди. Ва бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар режаси белгилаб олинди.

**(Ўз мухбирларимиз)**

## Ўқув марказининг истиқболлари

**Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш кейинги ўн йилликлар жаҳон тараққиётининг оламшумул тенденцияси ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу масалани ҳал этиш учун Ўзбекистон Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот технологияларини татбиқ этиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари йўналтирилган. Уларда белгиланган дастур доирасида дастлаб Ўзбекистон банклари ассоциациясининг шўъба корхонаси сифатида вужудга келган, ҳозирда эса «Компьютер эксклюзив» масъулияти чекланган жамияти ҳисобланмиш корхона самарали фаолият юритмоқда.**

Ушбу ўқув маркази нисбатан ёш — ташкил этилганига атиги 2 йил бўлди. Бироқ, ўтган давр ичида бу ерда 10 мингдан ортиқ киши таълим олди.

— Бу ерга биринчи бор келган кишилар, — дейди марказ директори Азизбек Эшмуҳамедов, — бир ярим ой ичида ўз ичига «Windows» асосий дастурлари тўпламини олувчи бизнесдаги компьютерни ўзлаштиришларига ишонқирашмайди. — Шунингдек, биз мижозларимизга «Windows-2002» дастури ҳамда Интернет тармоғида ишлашни ўрганишни ҳам таклиф этамиз. Мижозларимизнинг шубҳалари эса тезда тарқалиб кетади. Зеро, бизнинг бошланғич курсимизни тамомлаган киши, айтайлик «Power Point» ёки «Excel»ни ўрганиш ёхуд электрон почта билан ишлаш сабоқларини олиш учун ҳеч қаерга мурожаат қилмайди, биз буларнинг барчасини битта комплексда ўргатамиз. Бошловчилар учун курсдан ташқари, бизда графика, компьютер дизайни ва анимацияга ўргатувчи курслар ҳам ишлаб чиқилган. Ўтган йилдан бошлаб бугунги кунда жуда долзарб ҳисобланган компьютерларни таъмирлаш, янгилаш ва тизимли хизмат кўрсатиш бўйича яна бир янги курс фаолиятини йўлга қўйдик. Бизда ўқиётганларни жуда хурсанд қилаётган яна бир янгилик бор — 1 октябрдан бошлаб курсимизга келган ҳар бир киши (турли ихтисосликлар бўйича) Интернетдан 10 соат давомида бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Албатта, бу анча қимматга тушди, бироқ ўйлайманки, олдимизга қўйган мақсадимиз йўлида қанчалик ҳаракат қилсак арзийди — Интернет фақат айрим одамларга эмас, балки барча хоҳловчиларга хизмат кўрсатиши керак. Ва биз шуни ўйлаган ҳолда бу ишга қўл урдик.

Марказда нафақат катталар ўқишади, улар ўз болаларини ҳам олиб келишади. Бу эса таълимга оқилона ёндошиш демакдир.

— Марказ режаларидан Фарғона ва Жиззах вилоятлари, Самарқандда ва Қорақалпоғистон Республикасида филиалларни очиш юмушлари ўрин олган, — сўзида давом этади Азизбек Эшмуҳамедов. — Тошкент шаҳрида ҳозир жуда кўплаб турли хил компьютер курслари бўлиб, муаммо фақат уларни танлай билишда. Вилоятларда эса аҳвол бироз бошқачароқ. Бинобарин, у ерда ҳам фаолият кўрсатаверамиз. Келгусида банклар ходимлари учун махсус тарзда ахборот технологиялари бўйича курсни очиш ниятидамиз. Зеро, бу соҳада компьютерлаштириш жараёни анча тез кечмоқда.

*СИЗНИНГ ҲАМКОРИНГИЗ*

**Мана саккиз йилдирки, республика молия бозорида хорижлик сармоя иштирокида Ўзбекистонда биринчи бўлиб ташкил этилган «Ўзприватбанк» фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган вақт ичида у ўзини ишончли шерик сифатида кўрсатди.**

## ИШОНЧЛИЛИК — БОШ КАФОЛАТ

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига банкнинг жами сармояси 3930 миллион сўмни ташкил этади. Кейинги 10 ой ичида у 1 миллион сўмдан кўра кўпроқ суммага кўпайди. Соф фойда 374,2 миллион сўмни ташкил этди. 11087 миллион сўм бўлган банкнинг биргаликдаги активлари, йил бошига таққослаганда 3156 миллион сўмга (40 фоизга) ошди. Бунга эса умумий активларнинг 40 фоизини ташкил этган кредит қўйилмаларининг кўпайиши ҳисобига эришилди.

Кредитлаш дастури ҳам кўп қирралидир. Банк қисқа, узоқ ва ўрта муддатли кредитлар беради. Турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга 3457 миллион сўм ҳажмида, қишлоқ хўжалиги ва чорвадорлик билан шуғулланувчи компанияларга эса 20 миллион сўмлик молиявий қўллаб-қувватлов амалга оширилди. Аҳолига турли хизматлар кўрсатувчи фирмаларни ривожлантириш мақсадида 97 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Истиқболли ва фойдали лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлов амалга оширилди. Аҳолига турли хизматлар кўрсатувчи фирмаларни ривожлантириш мақсадида 97 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Истиқболли ва фойдали лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар давом этмоқда. Кредитлар ажратилиши ҳисобига иқтисодиётнинг реал соҳаси ривожланмоқда. Жорий йилнинг бошидан буён «Ўзприватбанк» томонидан 1060,6 миллион сўмлик кредитлар берилди. Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобига умумий миқдори 78,6 миллион сўмлик 16 та лойиҳа молиялаштирилди. Ўтган 2001 йил давомида 69,9 миллион сўмлик 25 та лойиҳа молиялаштирилган эди. Умуман, ушбу жамғарма ташкил этилганидан буён эса ҳаммаси бўлиб 156,7 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг оёққа туришида бошланғич сармоя сезиларли ўрин тутади. Бинобарин, «Ўзприватбанк» ўзбек халқаро банки ушбу йўналишда фаол юмушларни амалга оширмоқда. Жумладан, 7 та лойиҳа бўйича бошланғич сармоя учун банк томонидан умумий миқдори 5,2 миллион сўмлик кредитлар берилди.

Германиянинг KfW банки билан ҳамкорлик доирасида ҳозиргача 3,9 миллион евро ҳажмида 12 та лойиҳа молиялаштириб бўлинди. Охирги лойиҳалардан бирига ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 0,4 миллион евро миқдорида молиявий кўмак берилди.

*ЯРМАРКАЛАР*



## Қизиқиш уйғотмоқда

**Пойтахтимизда «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акционерлик компанияси ташаббусига кўра ташкил этилган енгил саноат товарлари улгуржи савдоси республика ярмаркаси давом этмоқда. 27 ноябргача ўтказиладиган ушбу ярмаркада мамлакатимиздаги 190 дан ортиқ корхоналар иштирок этмоқда.**

Ярмаркада иштирокчилар томонидан кейинги йилларда ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотлар, жиҳозлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда қўл келадиган замонавий технология ва «ноу-хау»лар намойиш этилмоқда. Айниқса, «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акционерлик компаниясига қарашли фабрикалар, «Маҳаллий саноат» ва «Ўзбек ипаги» ассоциациялари корхоналари ва «Агама» фирмасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, шаҳримиз барча туманларида фаолият кўрсатаётган ўрта ва кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳам ярмаркада иштирок этиб, ўзларининг юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлари билан эътибор қозонмоқда.

Шунингдек, ярмаркага ташриф буюрган ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари Ўзбекистон Республикаси карлар ва кўзи ожизлар жамиятлари томонидан тайёрланган стендларни ҳам томоша қилиш имкониятига эгалар.

Албатта, ярмаркага нафақат ҳамюртларимиз, балки келажакда юртимиздаги ишлаб чиқарувчилар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатиш истагида бўлган хорижий фирма ва корхоналарнинг вакиллари ҳам ташриф буюриши кўзда тутилган. Ярмаркада имзоланган шартномалар эса иштирокчи жамоаларнинг ривожида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини орттиришида алоҳида ўрин тутади. Энг муҳими эса ички бозоримиз ўзимизнинг талаблар даражасидаги сифатли маҳсулотларимиз билан янада бойийди.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**СУРАТДА: ярмарка фаолиятидан лавҳа.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

*ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН*

## Текширувда аён бўлди

**Ҳозирги кунда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган дорихоналар томонидан аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда мазкур соҳада камчиликлар ҳам борлиги жорий йилнинг октябрь ойида бошқарманинг асосий иш режасига биноан Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган дорихоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлашга оид ҳукумат қарорларининг ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида маълум бўлди.**

Жумладан, Миробод туманидаги «Салон-Роза» дорихонаси фаолияти текширилганда мазкур дорихона томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 307-сонли қарорига асосан хорижий валюта ҳисобига келтирилган дори воситаларига устама нархларини қўллаш тартибининг бузилиши натижасида асоссиз 3175 сўм маблағлар ортиқча олинганлиги маълум бўлди. Шулар билан бирга мазкур дорихонада 2 турдаги 280 сўмлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўйхатидан ўтмаган, 3 турдаги умумий миқдори 24754 сўмлик дори воситалари дорихонага кирим қилинмасдан ва мувофиқлик сертификатисиз сотилаётганлиги аниқланди.

Айрим дорихоналар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 19-сонли қарорига мувофиқ дори воситаларига белгиланган чакана устама нархларини қўллаш тартибига амал қилинмаган. Хусусан, «Этил фарм» дорихонасида 5 турдаги дори воситаларига умумий миқдори 3590 сўм, «Таг-Мед» дорихонасида 6 турдаги дори воситаларига 5950 сўм, «Улуғбек ҳожи» дорихонасида 4 турдаги дори воситаларига 3741 сўм, «Диля-Шаҳноза» дорихонасида 9 турдаги дори воситаларига 3624 сўм, «Елена фарм» дорихонасида 3 хил дори воситаларига 4896 сўм миқдорида нархлар асоссиз ўсиши орқали даромад олинган.

Юқоридагилар билан бир қаторда мазкур дорихоналар томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5 ва 6-моддаларига риоя этилмаган.

Дори-дармон воситалари билан улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи «Нилуфар тиббий хизмат» корхонаси иш фаолияти текширилганда мазкур корхонада улгуржи савдо учун ҳеч қандай шарт-шароитлар, дори воситаларини сақлаш учун омборхоналар мавжуд эмаслиги аниқланди. Ушбу корхона томонидан 974-сонли «Дори воситаларига устама нархлар қўллаш тартиби тўғрисида»ги тартибга амал қилинмаган.

Иш фаолияти текширилган «Диля-Шаҳноза», «Этил фарм», «Таг-Мед», «Улуғбек ҳожи» дорихоналари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 404-сонли қарорига эътиборсизлик билан қаралганлиги оқибатида истеъмолчилар мажбурий савдода бўлиши шарт бўлган 20 турдаги энг муҳим дори воситалари билан тўлиқ таъминланмаганлиги маълум бўлди.

Текшириш якунларига кўра «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва дори-дармон таъминотига оид меъёрий ҳужжатлар талабларини бузган дорихоналарга камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Нархларнинг асоссиз ўсиши ҳисобига дорихоналар томонидан олинган фойда жаримаси билан ундириб олинди ҳамда мазкур дорихоналарга тегишли чора кўриш учун текшириш ҳужжатлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги лицензия ҳайъатига, «Салон Роза» дорихонасида ўтказилган текширишлар ҳужжатлари эса шаҳар прокуратурасига юборилди.

Юқорида номлари қайд қилинган дорихона раҳбарлари «Кўза кунда эмас, кунида синади» деган нақлни эсга олиб, тегишли хулоса чиқарадилар деган умиддамиз.

**Р. ТИЛЛАХЎЖАЕВ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясидаги Президентимизнинг маърузаларида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий еттита устувор йўналишлари белгилаб берилди. Улардан энг муҳимларидан бири — бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш эканлиги алоҳида таъкидланди. «Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур. Қисқа қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари том маънода «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилмоғи лозим», — деган эдилар Президентимиз.**

**Бу, албатта оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига янада муҳим вазифаларни юклайди. Шунинг учун ҳам давра суҳбатига йиғилган шаҳримизда фаолият юритаётган айрим оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ечишда нималарга эътибор беришлари лозимлигига аҳамият қаратиб, «Жамиятни ислоҳ қилишда журналистнинг ўрни қандай бўлиши керак? Том маънода «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиши учун нималар қилиш лозим?» деган саволларга жавоб излашди.**

# МАТБУОТ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ





**Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, «Тошкент» телеканали, «Пойтахт» радиостудияси ҳамкорлигидаги давра суҳбати**

● **Маҳмуд САЪДИЙ,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги «Тил ва дунё» газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:**

— Аввало мен мана шу давра суҳбатида қатнашаётганимдан беҳад мамнунман. Чунки негадир олий ўқув юртларида нашр этилаётган газеталар унчалик эътиборга эга эмас. Бунга сабаб эҳтимол ўша газеталарнинг ҳали ҳаётда ўрни йўқлигидадир. Одатда кўп нусхали газеталарда ҳар бир ташкилотнинг ўзида бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида материаллар бериларди. Эндиликда эса бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳозир давр бошқа, замон бошқа. Республикамиз Мустақилликка эришганига 11 йилдан ошди. Қанча-қанча ўзгаришлар бўлди. Ҳозирда имкониятларимиз анча кенгайди. Ҳозир эркинлик шароитида ҳар бир газетадаги материаллар савияси бош муҳаррир, жамоада меҳнат қилаётган ходимларнинг фаҳм-фаросати, ақли ва билимига боғлиқ бўлиб қолди. Менинг назаримда бош муҳаррир ўзига ишонмайдиган бўлса, дадил муаммоларни кўтармайди, газета ўз мавқеини йўқотади. Айтмоқчиманки, журналист, газета халқнинг юрагидаги гапни айтиши керак. Шу ўринда Абдулла Қаҳҳорнинг бир иборасини эсласак ўринли бўлади, яъни одамлар тилининг учида турган гапларни адабиёт айтиши керак. Мен ўйлайманки, бу фикр адабиётдан кўра кўпроқ газета ходимлари, журналистларга тегишлидир. Газета газетхонларга маъқул бўлиши учун одамларни қийнаб турган масалаларни кўтариб чиқиши, уларни ечишда ёрдам бериши керак деб ўйлайман. Чунки бундай ечимини кутаётган муаммолар оз эмас.

Бугунги эркинлик шароитида том маънода эркинлик бўлиши керак, лекин бунинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Журналистлар халқнинг юрагидаги, уларнинг оғирини енгил қиладиган масалаларни кўтариб чиқса, газетанинг муштарийси кўпаяди, обрўси ошиши аниқ. Бунинг акси бўлса, қўрқоқлик қилиб рухсат этилган нарсани ҳам босмаса, бу газета қўпол қилиб айтганда «ўлади». Мен ўйлайманки, газетхоннинг кўнглидагини топмайдиган газета газета эмас, у оддий қоғоз. Ҳозир, афсуски, бунақа қоғозлар жуда кўп, десам янглишмайман. Шунинг учун уни ҳеч ким олмайди, ўқимайди.

Журналист мустақил фикрлаши керак, бундай одам эса сийқа гапларни ёзмаслиги лозим. Чунки бундай гаплар фақат одамларнинг энсасини қотиради холос. Президентимиз ҳам мустақил фикрлаш — миллий бойлик эканлигини алоҳида таъкидлаганлар. Эркинликнинг катта масъулияти ҳам бор, яъни оғизга келган гапни ёзавериш ҳам жоиз эмас. Журналист ақл билан иш юритиши керак, у ўз фикрини исботлайдиган, қатъиятли бўлиши жуда муҳим. Ўзимиз исботлаб бера олмайдиган, мантиқсиз гапларни ёзмаслигимиз керак. Сирасини айтганда журналист етти ўлчаб бир кесиши керак. Ана шунда газетанинг ўқувчиси ҳам кўпаяди.

● **Мансур АЛИЕВ,**
**«Мотор» газетасининг бош муҳаррири:**

— Мамлакатимиз ҳуқуқий-демократик давлатни, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг янги босқичига қадам қўйди. Бу жараён силлиқ ва текис кечмаслиги барчамизга яхши аён. Унда, айниқса оммавий ахборот воситаларининг муҳим ўрин тутиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Буни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни байрами муносабати билан биз — журналистларга йўллаган табрик хати ва Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида қилган маърузаларида очиқ-ойдин айтдилар.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Бу жараён, айниқса биз бош муҳаррирлардан дадилликни, қатъийликни, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга очиқ кўз билан қарашликни, энг муҳими, уларга танқидий, тўғри ва холис баҳо бера олишлигимизни талаб қилади. Оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг эркин минбарига айлана бориши керак, токи ҳар бир фуқаро давр талаб этаётганидек, унинг воситасида ўзининг фикрини очиқ-ойдин айта олсин, жамият ривожига муносиб ҳиссасини қўшсин.

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлашуви, модомики, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланган экан, бунинг учун биринчи галда улар иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмаса, занжирбанд шерга ўхшаб қолиши мумкин. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари тўққизинчи сессияда «Оммавий ахборот воситалари соҳасида Иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги янги қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш лозимлиги тўғрисидаги фикрни билдирди. Буни биз учун муҳим ва зарур восита деб биламан.

Шуни айтишни истардимки, газеталаримиз ҳаётимиздаги нуқсон ва камчиликларни тугатишда, муаммоларни ўз вақтида ечишда ҳақиқий қурол вазифасини ўтасин. Биз ҳозирда ишимизни ана шу асосда ташкил этиб, танқидий мақолалар беришга катта аҳамият қаратаяпмиз. Буни раҳбарият ҳам қўллаб-қувватлаётганидан мамнунмиз. Чунки бу бизни янада ижодий изланишга, ҳақ сўзни бaралла айтишга ундайди.

● **Солиҳ ЁҚУБОВ,**
**«устоз-журналист, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:**

— Бугунги давра суҳбати ҳар томонлама фойдали бўлди, деб ўйлайман. Бинобарин, бундай мулоқотнинг биринчи марта ўтказилиши. Дарҳақиқат, шундай мулоқотлар пайтида ҳар бир инсон кўнглидаги гапларни айтади. Ҳозир биз ана шундай гапларнинг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз.

Халқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», деган нақл бор. Бу нақлнинг нақадар тўғрилигига давра иштирокчилари айтган сўзлардан ҳам яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин. «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасининг ҳафталик нашри бўлмиш «Мотор» газетасининг кейинги йилларда бош йўналиши, мундарижаси тубдан ўзгарди. Ёки бўлмаса Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг нашри бўлмиш «Тил ва дунё» газетасини олайлик. Газета мақолаларининг тили жуда равон. Шунингдек, ёш журналист кадрларнинг малакасини оширишда унинг ўрни муҳим бўляпти.

Бугунги мулоқотнинг имкониятидан фойдаланиб, бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Пойтахтимизда нашр этилаётган кўп нусхали газеталар билан «Оқшом» газеталарининг ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш керак. Кўп нусхали газеталар ҳақида газеталаримизда мунтазам равишда таҳлилий мақолалар бериб борилса, айни муддао ва фойдали бўлур эди, деб ўйлайман.

Хуллас, давр биз матбуот ходимларидан масъулият билан ишлашни, ҳамма нарсани ўз номи билан аташни тақозо этмоқда. Эндиги вазифа — айтилган гапларни беками-кўст бажаришда қолган. Бунинг учун эса тажриба ва ёшлик шижоатидан оқилона фойдаланиш, маҳоратни, қалб қўрини ёзаётган мақолаларга бахшида этиш керак.

● **Набижон ҲОШИМОВ,**
**«Огоҳ» газетасининг бош муҳаррири:**

— Бугунга келиб огоҳлик давр талабига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Юртимизда ва жаҳонда рўй бераётган, бўлиб ўтган воқеалар ҳар биримизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга чақираётгани сир эмас. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак. Ҳимоя дегани — аввало, огоҳ бўлиш дегани». Ана шу фикрларни ўзига шиор қилиб олган газетамиз ҳам айнан бугунги долзарб вазият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган.

Газетамиз шаҳримиздаги осойишталикни сақлашда пойтахт милициясига ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган ҳуқуқий-маърифий нашр ҳисобланиб, аввало аҳоли ўртасида жиноятчилик ва турли кўринишдаги қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини олиб боради.

Шуни айтиш ўринлики, пойтахтимизда 30 дан зиёд ҳуқуқий нашрлар бўлиб уларнинг ҳар бири ўз услуби ва йўналишига эга. Шу ўринда газетамиз бозорнинг талабларига амал қилган ҳолда ижодий рақобат майдонига ўз сўзи билан кириб бормоқда. Бошқа ҳуқуқий нашрлардан воқеа-ҳодисаларга реал ёндашувимиз билан ажралиб туришга интиламиз. Чунки аниқ факт ва рақамларга асосланган мақолаларимизда ортиқча ташбеҳу муболағалар йўқ.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлашим ўринли, кўпгина ҳуқуқий нашрларимизда чиқаётган материалларда журналистнинг шу соҳага ихтисослашмаганлиги яққол сезилиб туради. Шунинг учун журналистларнинг ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий билимларини ошириш учун ўқувлар ташкил этилса фойдадан холи бўлмасди. Яна газетада дизайн ҳамда сарлавҳа жуда катта роль ўйнайди. Газетхонни жалб қиладиган сарлавҳанинг аҳамияти каттадир.

Хулоса қилиб айтганда, журналистнинг қалами унинг ўткир қуроли бўлиши керак. Ушбу қурол халқимиз манфаати йўлида хизмат қилиши, газетхон дил тубидаги гапларни ана шу орқали айтиши айни муддаодир.

● **Содиқ МЎМИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази бўлим бошлиғи, тарих фанлари номзоди:**

— Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мақомини кўтаришга хизмат қиладиган барча ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин шунга қарамай газета ва журналлар нуфузини оширишга нималардир тўсиқ бўлмоқда.

Менимча, газеталар ижтимоий-сиёсий минбар ҳисобланади, улардаги таҳлилий шарҳлар, баҳслар муҳим аҳамиятга эга. Негадир газеталаримизда кўпинча масалани бирёқлама таҳлил этиш ҳоллари учрайди. Бинобарин, муаллиф нуқтаи назари бўлмаган шарҳдан ўқувчи қандай маънавий манфаат олади? Кейин долзарб масалаларга бағишланган ахборотлар баъзида кечикиб берилади ёхуд умуман берилмайди. Натижада бўлар-бўлмас гаплар болалайди, қисқаси ахборот бўшлиғи ҳосил бўлади. Аммо хорижий матбуот воситалари бу воқеалар ҳақида аллақачон бонг ураётган бўлади. Булар ахборот воситаларимиз нуфузига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирда цензура йўқ бўлса-да баъзи оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ўзини-ўзи цензура қилишга ўтиб олганлар. Улар ҳар бир масалада ўта мулоҳазали бўлиб, ҳадик исканжасидан чиқа олмаётирлар.

Матбуот тўғрисидаги қонунларга риоя этиш — сўз эркинлиги ва ошкораликни таъминлаш демакдир. Одамларга фактларни билиш имкониятларини берсангиз, жамиятдаги кўплаб муаммоларнинг ечими тезлашади. Ошкоралик жамиятни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Яна шуни айтишни истардимки, журналистлар ҳимояси жуда муҳим. Шу боисдан журналистларга қайишадиган, зарур ҳолларда уларга моддий ва маънавий ёрдам берадиган ташкилот нуфузли бўлиши керак, деб ўйлайман. Матбуотимиз жуда катта бурилиш нуқтасида турибди, унинг олдида улкан вазифалар турибди. Жамиятимиздаги ҳамма ўзгаришлар матбуотимизда ўз ифодасини топиши керак.

● **Ҳусан БАРОТОВ,**
**«Тракторсоз» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари:**

— Бугунги кун нафаси билан яшаётган журналист ниҳоятда изчил, воқеа-ҳодисаларга реал кўз билан қарайдиган, кенг мушоҳадали, ўз фикрига эга бўлиши керак. Лекин ҳамиша ҳам бундай эмас. Чунки кўпчилигимиз бирор муаммони ўртага ташлашдан аввал ундан кейин пайдо бўладиган ташвишларни ўйлаб қоламиз. Ваҳоланки, бу ташвишлар бизни қўрқитмаслиги учун дадил ҳаракат керак.

Мустақиллик барча соҳа ходимлари қатори биз журналистларга ҳам кенг имкониятлар берди. Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш бизнинг изланишимизга, ташаббусимизга боғлиқ. Журналистнинг тили, сўзи равон бўлса, уни барча тушунади. Сирасини айтганда бизга «тўртинчи ҳокимият» деб ишонч билдириляптими, уни оқлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, ана шу даражага эришиш олдимиздаги энг юксак вазифамиз бўлиши керак. Яна шуни айтишим лозимки, ҳар бир газетада моддий негиз мустаҳкам бўлса, у иқтисодий жиҳатдан ҳеч кимга қарам бўлмаса, ўз сўзини дадил ва ишонч билан айта олади, ҳеч кимдан, ҳеч қандай тазйиқдан қўрқмайди. Бунга эришиш учун эса биз газетхонни жалб этишимиз, бугуннинг гапини ёзишимиз лозим деб ўйлайман.

● **Акмал АКРОМОВ,**
**«Оқшом» газеталари бош муҳаррири:**

— Бундай давра суҳбатларининг тез-тез ўтказиб турилиши, вақти-вақти билан учрашиб туришимиз, албатта жуда фойдалидир. Газетанинг катта-кичиги бўлмайди, ҳар бирининг ўз роли, ўз ўрни мавжуд. Ваҳоланки, шундай тармоқ газеталари борки, улар жуда долзарб, керакли мавзуларни кўтариб чиқади. Негаки, ана шу газеталарда ўша соҳа билимдонлари ўтиришади. Шу боисдан ҳам бундай учрашувдаги фикр алмашувлар, мулоҳазалар ҳар биримизнинг билимларимизни ошириб соҳа журналистларининг шаклланишида яқиндан ёрдам беради. Мана шундай йиғилишларимиз газеталаримиз мавзуларининг ранг-баранглигига, газетхонни ўзига тортишига муҳим ҳисса бўлиши, шубҳасиз. Ҳар ойда бир марта мана шундай дилдан суҳбатлашсак, ўйлайманки, шаҳримизда чиқаётган газеталарнинг мавқеи ошишига, улар ўз олдиларидаги масъулиятни янада теранроқ англашига, шу билан бирга эркин фикрлайдиган ёш журналист кадрларни тайёрлашга муҳим ҳисса қўшган бўламиз. Зеро, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш хусусида гапирар эканмиз, бу борада олдимизда улкан вазифалар турганини, уларни биргаликда амалга ошириш лозимлигини унутмаслигимиз лозим.

● **Раҳматжон БЎРИБОЕВ,**
**«Тошкент» телеканали «Пойтахт» ахборот дастурининг бош муҳаррири:**

— Мен асосан журналистларнинг ишини тарозига қиёслайман. Ўртада иккита паллани баробар ушлаб туриш журналистга жуда катта масъулият юклайди. Танқид масаласига келсак, биз ҳали иш бошламасимиздан аввал ўша танқид объекти хабар топади ва қўнғироқлар бошланади... Бундан хулоса шуки, танқидга муносабатнинг шаклланиши бизда қийин кечяпти, назаримда. Ахир бу танқид эртага сизга сабоқ бўлади, ишингиз ривожланишига, халқ олдида уялиб қолмаслигингизга туртки бўлади-ку.

Бугун давра суҳбатида, нафақат бир-биримизни танидик, фикрларимизни эшитдик, балки энг муҳими ҳамкорликка йўл очдик, деб ўйлайман. Ҳамкор, ҳамжиҳат бўлсак, касбимиз олдида турган масъулиятли вазифаларни бемалол бажара олишимизга аминман.

**СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:**

**Бугунги давра суҳбати қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари, дил сўзларини эшитиб шундай хулосага келиш мумкинки, ҳозирда Мустақил юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаман, халқим фаровонлиги йўлида хизмат қилиб, оғирини енгил қиламан деган ҳар бир журналист замон билан ҳамнафас бўлиши, келажакни кўра билиши, одамлар тилининг «учида» турган гапларни биринчи бўлиб айта олиши, ўйлаб, аммо топиб гапириши лозим. Албатта, бу борада шаҳримизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг ҳамжиҳатликда иш юритиши яхши самара бериши ҳам алоҳида таъкидланди. Демак, ҳақиқий демократик матбуот бўлиш учун ҳам журналистлар олдида жуда кўплаб вазифалар турибди. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга холис баҳо бериб бориши керак».**

**Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.**

**МАҲАЛЛА**

# Тарбиячилар учун семинар

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги 162-сонли қарори билан жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб маҳаллалар штати таркибига ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячи штати киритилди. Ҳозирда педагог-тарбиячилар республикамизнинг барча маҳаллаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Ушбу қарор ижросини таъминлаш, маҳалла педагог-тарбиячиларининг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Республика Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Республика «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази махсус дастур асосида ўқув-семинарини ўтказиб келмоқда.**

Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги ўқув-семинари Яккасарой, Шайхонтоҳур ҳамда Юнусобод туман маҳаллалари педагог-тарбиячилари учун ташкил қилинди. Семинар машғулотини Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев кириш сўзи билан очиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

Маҳалла педагог-тарбиячиларининг мақсад ва вазифалари ҳақида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Н. Абдуллаев, педагог-тарбиячиларнинг профилактика нозири билан ҳамкорлиги тўғрисида Республика Ички ишлар вазирлиги, ёшларнинг маънавий, ахлоқий фазилатларини шакллантиришда педагогика фанининг ўрни ва роли ҳақида эса Халқ таълим вазирлиги вакиллари семинар қатнашчилари билан фикр алмашдилар.

Республика «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази директори ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор С. Раҳимов миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

— Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор, тенгсиз олий мақсад — Мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ҳамда мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади», дея таъкидлаган эдилар, — деди жумладан педагог-тарбиячилар фаолиятини йўналтиришда маҳалла оқсоқолларининг роли ҳақида тўхталар экан Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Акромов. — Демак, шундан келиб чиқиб педагог-тарбиячини ҳар томонлама мукаммал, юксак фазилатли шахс сифатида ёшлар билан ишлаши учун унинг ҳуқуқий маданиятини, билимини такомиллаштириб, ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириб бориш керак. Уларга маҳаллалар оқсоқоллари ҳар томонлама ёрдам беришлари керак.

Бир сўз билан айтганда, педагог-тарбиячининг маҳоратини, билим савиясини ошириш мақсадида ушбу семинар ташкил этилди. Анжуманда бундай мақсадга эришиш учун маҳалла оқсоқоллари, посбонлари, педагог-тарбиячиларининг ҳамкорлигини таъминлаш ва фуқароларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш тўғрисида фикр алмашилди.

Маҳалла педагог-тарбиячилари семинари якуни бўйича Тошкент шаҳридаги илғор маҳаллалар тажрибаси қатнашчилар томонидан ўрганилиб, энг тажрибали педагог-тарбиячилар билан тажриба алмашув натижасида умумий хулосалар чиқарилади, педагог-тарбиячилар учун ўқув-услубий қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

**(Ўз мухбиримиз)**

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Тўғрилик, ростгўйлик одамни сира ҳам уятга қолдирмайди.

●Алишер Навоий айтади:

**Біровким эрур ростликдин йироқ,**
**Анингдек киши бўлмоғон яхшироқ.**

● Қадимги Эрон донишманди Бузуржмеҳрдан: «Қандай ишингиздан жуда шодланасиз?» деб сўрадилар. Бузуржмеҳр: — «Муҳтожларга ёрдам беришдан, хайрли ишлар қилишдан жуда ҳам шодланаман. Менда булардан ортиқ севинчлироқ иш йўқдур», деб жавоб берди.

● Ўзининг насл-насаби билан мақтаниб, кеккайиб юрган мутакаббир бир киши адиблардан Ахнаф ибн Қайсга:

— Сенинг насл-насабингдан шарофат, юзингда кўркамлик йўқ бўлса ҳам бу даражада ҳурмат ва эътиборга эгасан, бунинг сабаби нима? — деб сўради. Ахнаф унга:

— Менинг қадр-қимматим ва шарофатимга сабабчи бўлган нарса сендаги ярамас ахлоқнинг менда бўлмаслигидир. Сенинг ахлоқинг қандай экани менга сўзлаган сўзларингдан маълум бўлиб турибди, — деб жавоб берди.

Қисса: шаҳар сичқонларидан бири саҳрога чиқиб айланиб юрганди, саҳро сичқонларидан бирига учраб қолди. Саҳро сичқони оч, ориқ ва кучсиз эди. Шаҳар сичқони унинг ҳолига ачинди, шаҳарда турли ноз-неъматларнинг кўплигини мақтаб уни шаҳардаги ўз инига олиб келди. Ҳовли эгаси сичқон тутиш учун тузоқ қуриб, унинг ичига озгина гўшт ташлаб қўйганди. Мезбон сичқон гўштни емоқчи бўлиб тузоқ ичига кирганди, унинг эшиги ёпилиб сичқонни қисиб қўйди. Сичқон типирлай-типирлай ҳалок бўлди. Шаҳар сичқонининг ҳолини кўрган саҳро сичқони ўзига ўзи: «Ҳалокат келтирадиган бундай тўқликдан кўра, озига қаноат қилиб тинчгина яшаганим яхшироқ», — деб ўз саҳросига қайтиб кетди.

Ҳисса:

Қўлида бор бўлган нарсага қаноат қилмай, мол-дунё орттиришга киришган очкўз, ҳасис таъмагир киши ниҳоят фалокат ва ҳалокатга учрайди. Қўлда бор бўлганга қаноат қилиш энг яхши ишдир.

Ҳикоят: — Тоҳир исмли бир арабнинг жуда гўзал оти бор эди. Маҳмуд номли бошқа бир араб Тоҳирнинг отини севиб қолди. У отни сотиб олмоқчи бўлди. Тоҳирга ҳар қанча ялинса ҳам у ўз отини сотишга рози бўлмади. Маҳмуд эса от ишқида девона бўлиш даражасига келди. Шундай бўлса ҳам Тоҳир отни сотишга кўзи қиймади.

Ниҳоят Маҳмуд ҳийла-найранг ишлатиб Тоҳирдан отни олишга қарор қилди. Бир куни эски-туски кийим кийиб ўзини гадойга ўхшатиб Тоҳир ҳар куни ўтадиган йўлнинг бир чеккасига бориб ўтирди. Тоҳир гўзал отга миниб Маҳмуднинг ёнидан ўтар экан, Маҳмуд дарҳол ўрнидан туриб:

— Эй азиз ўғлим, жуда ҳам қариб, касал бўлиб қолган чолман. Юришга мадорим қолмай шу жойда ўтириб қолдим. Бу ердан икки чақирим наридаги маҳаллада тураман. Мени отингга миндириб уйимга элтиб қўй, ҳаққингга кўп дуо қиламан, — деб қичқирди.

Тоҳир ҳийлакор Маҳмуднинг сўзига ишониб, отини тўхтатиб тушди. Маҳмуднинг қўлидан ушлаб қўлтиқлаб отга миндирди. Муғомбир касал — Маҳмуд дарҳол отни чоптириб йўлга тушди. Бироз узоқроқ ерда отни тўхтатиб Тоҳирга:

— Эй Тоҳир, мен сендан отингни менга сот деб кўп ялинган Маҳмуд исмли арабман. Сен отингни менга сотмадинг. Ниҳоят ҳийла-найранг билан қўлга туширдим. Ҳайр энди, отингдан умид узиб қўя қол! — деб қичқирди.

Тоҳир ҳийлакор Маҳмудга қичқириб шундай деди:

— Майли, отни сенга бердим, лекин бу қилган ишингни ҳеч кимга айтма. Чунки бу алдамчилигинг, ҳийла-найрангинг халқ орасида тарқалса, кўп кишилар сенинг ярамас йўлингга кириб кетишлари мумкин. У вақтда биров-бировнинг ҳолига раҳм этмайди. Халқимиз орасида шафқат, марҳамат, мурувват каби гўзал хислатлар йўқолади. Алдамчилик, муғомбирлик ва инсофсизлик каби ярамасликлар авж олади. Ўтинаман, қилган ишингни ҳеч кимга айта кўрма, яширин тут.

Тоҳирнинг сўзлари Маҳмудга шу қадар таъсир қилдики, дарҳол орқага қайтиб, Тоҳирга узр айтди, отни унга топширди. Тоҳир эса отни Маҳмудга сотишга рози эканини билдирди. Шундай қилиб, ҳар иккови бир-бирларидан хурсанд бўлдилар.

**Байт:**
**Кел, эй кўнгил камол этсанг диёнат,**
**Кишига қилмағил ҳаргиз ҳиёнат.**

● Фойдасиз ҳаёт кечирган одамнинг умри ўлик умрдир.

● Инсон ҳаёти темирга ўхшашдир, уни ишга солганингда сайқаллашади, ишлатмасанг, занг еб қўяди.

● Бемаъни ҳаёт кечириш ёмон турмуш кечириш эмасдир, аммо аста-секин ўлишдир.

● Ҳаётнинг маъносига тушунмайдиган одамларнинг аҳволига вой.

**Байт:**
**Кимдаки бўлмаса замона ғами,**
**Ё одамдан эмас, ё эмас одам.**

● Тўрт гуруҳнинг синалиши тўрт вақтда бўлур: ботирлар шижоати уруш кунларида; аминлар лафзи олмоқ ва бермоқда; хотин ва фарзанд вафоси уқубат ва ҳожат кунларида; дўстлар сифати меҳнат ва машаққат чоғида.

● Абадий яхшиликка интилмовчи ва фақат худбинлик қилувчи киши афсусга сазовор аҳмоқдир. Ҳаётни еб-ичиш, ухлаш ва лаззат кўришдан иборат деб билган кишининг ҳайвондан нима фарқи бор?

● Ҳаётнинг ўлчови умр узунлиги билан эмас, қандай фойдали ишлар қилингани билан ўлчанади.

**Байт:**
**Билки қийин ҳаёт берур таппа-тахт,**
**Фозиллик, улуғлик, мардлик ҳамма вақт.**

● Қўрқоқ дўст, душмандан хавфлидир, чунки душмандан эҳтиёт бўласан, аммо дўстга ишонасан.

● Дўстлар яхшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида тутар ва карам эшигини улар юзига очиб қўяди, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқаради.

● Оқил киши донога, олижаноб, ростгўй ва хушсуханга дўст бўлади, ёлғончи, хиёнаткор ва фосиқдан қочади.

**В. Сивец номидаги Авиасозлар маданият саройида «ALEKCANDR-MARKET» фирмаси ҳамда Александр Герасименко ташаббуси билан, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Жанговор санъатлар дунёси» телевизион дастури, Республика каратэ миллий федерацияси ва «ORIAT FM» радиосининг қўллаб-қувватлаши орқали «Спорт. Ёшлик. Саломатлик» шиори остида шарқ яккакурашларининг иккинчи фестивали бўлиб ўтди.**



# ЁШЛИК ВА ЖЎШҚИНЛИК БАЙРАМИ

Фестивалда ҳар хил ёшдаги болалар бир-бирларини алмаштирган ҳолда қувонч билан ўзларининг кураш турлари усулларини яхши ўзлаштирганликларини маҳорат билан кўрсатишди. Эътиборга лойиқ томони шундаки, бугунги кунда ўсмирлар билан бир қаторда шарқ яккакурашлари билан қизлар ҳам фаол шуғулланмоқдалар.

Шарқ яккакурашлари анжуманида турон ва кураш каби миллий спорт турлари ҳам кенг намойиш этилди. Ушбу қадимий спорт турлари бугунги кунда ҳам ёшлар тимсолида ўзларининг кўплаб давомчиларига эга ва улар тез орада муносиб авлод сифатида бугунги чемпионлар ўрнини эгаллашига шубҳа йўқ.

Фестивалда айниқса Ўзбекистон Республикаси айкидо федерацияси, ИТФ таэквандо ассоциацияси, «Парвоздаги аждар» мактаби у-шучилари ва каратэ миллий федерациясининг ёш яккакурашчилари ўз маҳоратлари билан мухлислар эътиборини қозонишди.

Нисбатан ёш спорт турлари бўлмиш кикбоксинг ва хапкидо бўйича чиқишлар ҳам ишқибозларда катта таассурот қолдирди.

Спорт байрами якунида муайтайчилар ўз маҳоратларини кўрсатишди. Пайдо бўлиш тарихи Таиландга бориб тақаладиган ушбу спорт тури ҳам иштирокчиларнинг тирсак ва тиззалари билан ажойиб зарбалар беришлари билан кўпчилик мухлислар дилларини забт этди.

Фестиваль якунида биз мазкур тадбир ташаббускори Александр Герасименкони суҳбатга тортдик.

**— Айтингчи, мазкур фестивални ташкил этишда ўтган йилги тажрибалар ҳам ҳисобга олиниб, қандайдир янгиликлар киритилдими?**

— Шубҳасиз, ўтган йилги тажрибаларни ҳисобга олдик. Масалан, олдинги гал қатнашчиларнинг сони кўплиги сабабли фестиваль ҳам чўзилиб кетган бўлса, бу йил шарқ яккакурашларининг турли йўналишларини фақат энг яхши спортчилар намойиш этишди. Шунингдек, аввалгидан фарқли равиша бу гал спортчиларни гуруҳларга бўлдик ва бу ҳолат у ёки бу спорт турини қисқа ҳамда чиройли равишда кўрсатиш имконини берди. Мазкур фестиваль ўзига хос шоу тарзида — театрлаштирилган, мафтункор мусиқалар жўрлигида ўтказилди, ажойиб саҳна кўринишлари танланди, байрамнинг ташкил этилиши ҳам юқори даражада бўлди.

**— Қатнашчиларга ёши, маҳорат даражаси бўйича муайян талаблар қўйилдими?**

— Спортчиларга қўйиладиган энг катта талаб, бу — маҳорат билан ўз спорт тури имкониятларини намойиш этиш бўлди. Бундан ташқари, иштирокчилар саҳнада ўз маҳоратларини 10 дақиқадан ошмаган вақт ичида кўрсатишлари лозим эди. Иштирокчиларнинг ёши чегараланмади.

**— Келажакда ҳам шарқ яккакурашлари фестивалини ўтказиб туриш режаланганми?**

— Ҳа, биз келаси йили ҳам мухлислар эътиборини қозонган ушбу фестивални ўтказиш ниятидамиз. Фақат уни энди халқаро даражага чиқаришга ҳаракат қиламиз ва Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан ҳам етакчи спортчиларни таклиф этмоқчимиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: шарқ яккакураш усталари фестивалда ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар.**

**А. Попов олган сурат.**

# Ёрқин юлдузлар даврасида

**Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?! Бу саволга спорт соҳасидаги юксалишлар мисолида ҳам амалий жавоб бериш мумкин. Бугун Ўзбекистон ўзининг истеъдодли ўғил-қизлари билангина эмас, йирик халқаро турнирлар ўтказиладиган мамлакат сифатида ҳам дунёга танилди. Яқинда «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» Президент фармони чиқди, сўнгра ушбу жамғарма фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг шарофати, соғлом авлод камолоти йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасидир.**

Яқинда Тошкент Ислом университетида «Биз тинчликсевар юрт фарзандларимиз» мавзуида спорт байрами тадбири бўлиб ўтди. Кечада ўзбек спортининг ёрқин юлдузларидан от спорти бўйича Европа чемпиони, халқаро турнирлар ғолиби, Жаҳон Кубоги совриндори, Иброҳим Йўлдошев, бокс бўйича Осиё чемпиони Беҳзод Хидиров, таэквандо бўйича Европа чемпиони Шаҳноза Арзуматова, Ўзбекистон чемпионатининг қўл тўпи бўйича бир неча бор ғолиби Азиза Абзалова ва шу каби кўплаб Осиё ва жаҳон чемпионатлари ғолиблари қатнашдилар. Улар талабалар билан мулоқатда бўлдилар ва кўргазмали чиқишлари билан йиғилганлар кўнгилларини шод этдилар.

Шу билан бирга Тошкент шаҳар ИИББ терроризмга қарши кураш бўлими раҳбари ўринбосари Даврон Назармуҳамедов, «Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси»нинг Тошкент вилоят бўлими раиси ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси кўнгиллилар жамияти раҳбари Низомиддин Исаевлар ҳам ўзларининг маърузалари билан даврага қувноқ руҳият бахш этдилар.

Тадбирда ёшларнинг орзу-интилишларини мужассамлаштириш, ҳаётий манфаат ва эҳтиёжларини ифодалаш, жаҳон ва Ўзбекистон ёшларининг алоқаларини ривожлантириш борасидаги амалий ва хайрли ишлар ҳақида сўз борди.

Тошкент Ислом университетининг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича проректори Саидакбар Аъзамхўжаев, жисмоний тарбия кафедраси мудири Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий Шоанвар Исмоилов тадбир сўнггида спорт юлдузларига эсдалик совға тариқасида гуллар ва китоблар тақдим этишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# Туманда оилавий мусобақа

**Шайхонтоҳур туманида оммавий спорт ўйинларини ривожлантириш, кенг аҳоли қатламини кўпроқ спорт ва жисмоний тарбияга жалб қилиш ва уни кундалик турмуш тарзига айлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Ана шундай хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда тумандаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2 кун давом этган оилавий шашка, нарда, мини футбол, дартс мусобақалари ўз ниҳоясига етди. Турнирда биринчи ўринни «Тошкент метрополитен»идан Саид Каримовлар оиласи, иккинчи ўринни «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссадорлик жамиятидан Шоира Исахоновалар, учинчи ўринни «Сархумдон» маҳалласидан Маҳмуд Рашидовлар оиласи эгаллади.

Ғолибларга Шайхонтоҳур тумани жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Зийнат Ибатулин қимматбаҳо совғаларни топширди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мурраблй, спорт мактаби директори Иброҳим Имомжонов эса 4 ва 5 ўринларни эгаллаган Худойбердиевлар ва Акбаровлар оиласига туман ҳокимлиги таъсис этган кубок, Фахрий ёрлиқлар ва совғаларни тақдим этди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**





**СУРАТЛАРДА: оилавий мусобақадан лавҳа; ғолиблар тақдирланмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# Бўлажак муҳандислар ғолиб

**Ёшларимизнинг барча ишларида яқин кўмакчига айланган «Камолот» ижтимоий ҳаракати уларнинг спорт соҳасида ҳам катта ютуқларга эришишларига замин яратмоқда.**

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирobод тумани бўлими ёшларни соғлом турмуш тарзида тарбиялаш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида туман ўқув юртлари жамоалари ўртасида «Камолот» кубоги футбол мусобақасини ташкил этди. Унда Тошкент Шарқшунослик институти, Тошкент автомобиль йўллари институти, Миробод саноат касб-ҳунар коллежи ва темирйўллар коллежи, Тошкент тарих ва шарқ тиллари лицейи, Тошкент темирйўллар муҳандислик, Тошкент фармацевтика институтлари жамоалари ўзаро куч синашишди.

Турнир ғолиблиги учун Тошкент шарқшунослик институти ва Тошкент темирйўллар муҳандислик институти жамоалари кураш олиб боришди. Учрашувнинг асосий 90 дақиқасида 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтилар сериясида эса омад Тошкент темир йўллар муҳандислик институтига кулиб боқди. Умумий ҳисоб 6:3.

Мусобақа сўнггида турнир ғолибига кўчма кубок, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент темирйўллар муҳандислик институтидаги бошланғич ташкилотига «Камолот» стенди ва совриндорларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Бу каби мусобақалар миллионлар ўйинини ривожлантириш томон яна бир қадам бўлгани шубҳасиз.

**Азиза ИЛҲОМОВА**

# Иштиёқ билан беллашишди

**Эртамиз давомчилари бўлмиш фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида спортнинг ўзига хос аҳамияти бор. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан ўрта умумтаълим мактабларида спортнинг ўн бир тури бўйича ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» мусобақалари ўқувчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотди ва улар бу мусобақаларда иштиёқ билан қатнашмоқдалар.**

Яқинда Миробод туманидаги 110-мактабда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди. Байрамона ва юқори кўтаринки кайфият билан ўтказилган ушбу мусобақада 5-7-синфлар ўртасида мактабляраро ўтказилган баҳсларда ғолиб чиққан жамоалар спортнинг қўл тўпи, футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика турлари бўйича беллашдилар.

— «Умид ниҳоллари» мусобақалари ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Намоз Рўзиқулов. — Мусобақалар давомида қатнашчилар орасида умидли ёшлар анчагина эканлиги маълум бўлди. Биз қатнашчилар орасидан иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг спорт билан жиддий шуғулланишлари учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Тумандаги 294, 110, 328-мактабларда ташкил қилинган спорт тўгараклари бошлаган эзгу ишларимизнинг илк ва муҳим қадамларидан биридир.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг жонли ва қизиқарли ташкил этилишида бевосита туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг ёрдамлари катта бўлмоқда. Улар ўқувчиларнинг оммавий тарзда ушбу мусобақаларда қатнашишлари учун ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватламоқдалар.

Энг ҳаяжонли дақиқаларда нуфузли ҳакамлар ҳайъати ҳар бир шарт бўйича йиғилган очколарни одиллик билан жамлаб, мусобақа қатнашчиларининг ҳар бири ғолибликка даъвогар бўлганлигини таъкидлаган ҳолда 31, 263, 94-мактаблар қўл тўпи бўйича, 175, 328, 125-мактаблар футбол бўйича, енгил атлетика турида 60, 110, 31, сузиш бўйича 110, 60, 94-мактаблар юқори поғоналардан жой олганлигини эълон қилдилар. Умумий натижаларга кўра 110-мактаб туман ғолиблигини қўлга киритди.

Ушбу мусобақани кузатар эканмиз Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси»ни тузиш ҳақидаги Фармонининг қанчалик аҳамиятли ва фойдали эканлигини яна бир карра ҳис қилдик. Юртимизнинг, элимизнинг суянчиқлари бўлмиш ёш авлоднинг соғлом ва ақлан баркамол бўлиб вояга етишлари эса эртамизни белгилайди, мустақил Ўзбекистонимиз пойдеворининг бақувват ва мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**ОБУНА-2003**

**«Мулоқот» журнали ўзининг илк сонлариданоқ унут бўла бошлаган, аслида маънавий дунёмизнинг асоси ҳисобланган миллий мафкурамизни, урф-одатларимизни тиклаш ишига эътиборини қаратди. Адолатга, ҳалолликка, камтарликка, самимийликка асосланган миллий мафкурамиз, бундай хислатларни барқарор этувчи боболаримизнинг тенгсиз миллий мерослари бугунги ҳаётимизни тўғри ва оқилона ташкил этишда, айниқса, келажагимиз эгаси бўлган комил ёшларни тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга. Миллий меросимизга қизиқувчиларга, айниқса ёшларимизга беминнат дарс ҳисобланган «Миллий анъаналар», «Умри узун удумлар», «Мозийга сафар», «Шарқ илми хазинасидан» ҳамда «Маърифат булоғи» сингари рукнлар журнал саҳифаларидан доимо жой олиб келди.**

# «Мулоқот» — маърифат элчиси

Журнал мақолаларидан ўзбек халқининг тарихдаги ўрни, азалий урф-одатларимизнинг мазмун-моҳияти, ҳалоллик, камтарлик, самимийлик, бағрикенглик каби ўзига хос миллий сифатларимизни тарғиб-ташвиқ этувчи мавзулар доим ўз ўрнини эгаллаб келди. Бундай мақолалар журналхонларнинг доимий мутолаа этадиган маънавий ҳамроҳига айланди.

Айни кунларда халқимиз ўз руҳий оламининг шарқ фалсафаси дурдоналари, тасаввуф ақидалари билан бойишига эҳтиёж сезмоқда. Журналнинг «Шарқ фалсафасини ўрганайлик», «Адолат қомуси», «Шарқ илми хазинасидан», «Шарқнинг буюк муҳаддислари», «Инсонийлик ҳақида ўйлар» ва «Қадрият» каби рукнларининг ўз ўқувчилари, мухлислари бор. Натижада журнал ўз фаолияти давомида Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний сингари тасаввуф алломалари илму аъмолларининг турли жиҳатларига қайта-қайта мурожаат этмоқда. Бу сингари мақолаларни маънавиятимиз ихлосмандлари севиб ўқимоқдалар.

Буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг давлатчилик соҳасидаги амалий мероси, шахсий ва нодир фазилатлари, темурий ҳукмдорлар, уларнинг давлатни идора қилиш борасидаги бетакрор йўллари тўғрисида тарихчи олимларимизнинг илмий-оммабоп мақолалари журналнинг деярли ҳар бир сонида эълон қилиб борилмоқда.

Тарихдан маълумки, ҳар даврнинг ўз ютуқлари, камчиликлари, муаммолари бўлиши табиий. Бизнинг даврнинг ҳам ўз сиёсати, ижтимоий фикр-мулоҳазалари, ўз фалсафаси бор. Бундай фикрлар тинчлик, тараққиёт, демократия, фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган сиёсатимиздаги ўзига хос жиҳатлар акс этган мақолаларда ўз ифодасини топмоқда. Шу кунларимизнинг пешқадам сиёсатшунослари, файласуфларидан А. Жалолов, Н. Жўраев, А. Чориев, Қ. Хоназаров, А. Йўлдошев ва Ҳ. Эрматовнинг журналдаги ҳар галги чиқишлари ижтимоий фикр ихлосмандлари учун катта янгилик бўлмоқда. Тараққиётнинг асоси ҳисобланган иқтисодиётнинг долзарб муаммолари журналнинг жамоатчи муаллифлари ҳисобланган М. Шарифхўжаев, И. Искандаров, Н. Тўхлиев, О. Ҳикматов, Н. Ҳакимов ва Ё. Абдуллаев каби таниқли иқтисодиётчи олимларимиз томонидан ўртага ташланмоқда.

Журнал ҳақиқий тарихимизни тиклаш борасида мунтазам иш олиб бораяпти. Шунингдек, унинг ҳар бир сони маънавий оламимиздаги камчиликларни тўлдирадиган ҳадислар, ҳикматлар, фалсафамиз дурдоналари, фойдали маслаҳатлар ва ажойиботлар билан бойитилмоқда. Шунинг учун ҳам «Мулоқот»нинг ҳар сони ҳар бир даврага, ҳар бир оилага бир олам маърифий бойлик олиб киради. Унга албатта обуна бўлинг.

Журналнинг нашр кўрсаткичи — 844.

**Рашид РАУПОВ**

**2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ**

# Умр мазмуни

**Кўп ҳолларда муаллимларни боғбонга қиёслашади. Негаки, улар келажак ниҳоллари бўлмиш ёш авлодни авайлаб катта ҳаётга йўллайдилар. Ҳаётда ўз ўрнини топган ҳар бир ўқувчи эса илк бор сабоқ берган устозларини ҳамиша яхши ниятлар билан эслаб, уларга ич-ичидан миннатдорчилик билдиради.**

Ҳа, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган заҳматкаш ўқитувчи Эргаш ота Ҳамидов ҳам ана шундай инсонлар сирасига киради. У киши эллик йил давомида мактабда ўқитувчилик қилиб, болалар онгида ҳалоллик, поклик, ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, бағрикенглик, адолат ва ҳақиқат сингари туйғуларни шакллантиришга ўз куч-ғайрати, шижоатини аямаган. Дарҳақиқат, ўқув масканини илғор мактаблар сафига олиб чиқиб, таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишда ҳамкасбларига елкадош бўлди.

...Ёш, навқирон Эргаш шаҳримизнинг Акмал Икромов туманидаги 62-сонли ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаганидан сўнг Низомий номли Тошкент педагогика институтига ўқишга киради. У мактабнинг юқори синфларида ўқиб юрганидаёқ муаллимлик касбига қизиқиши орта борди ва келажакда шу касбни эгаллашга аҳд қилган эди. Бу орзулари амалга ошиши учун Эргаш барча фанларни яхши ўзлаштириб, тиришқоқ ва чаққонлиги билан бошқалардан ажралиб турар эди.

Қарангки тақдир тақозоси билан илк меҳнат фаолиятини ўзи билим олган қадрдон даргоҳда, яъни 62-ўрта мактабда бошлади. Мана, у кунларга ҳам эллик йил бўлибди. Бу давр ичида устоз мураббий қанчадан-қанча шогирдлар тайёрлаб, катта ҳаётга йўлламади, дейсиз.

Ҳа, уларнинг орасида фан йўлида собит хизмат қилганлари ҳам, халқ осойишталигини қўриқлаб, эл дуосини олганлари ҳам, саҳнада қўшиқ куйлаб, юртини жаҳонга танитганлар ҳам бор. Бу инсонлар бир сўз билан айтганда Эргаш отанинг шогирдлари, у эккан ниҳоллар. Бу ниҳоллар эндиликда азим чинорларга айланган.

Биз Эргаш отани маъжозий маънода бежиз «Боғбон» деб атамадик. Бироқ, у киши чинакамига боғбондир. Уста мураббийнинг «Боғистон» маҳалласидаги уйига ташриф буюрганимизда, ҳовли ичра барқ уриб турган турли-туман мевали дарахтларни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилдик.

— Ҳовлимиз бир вақтлар жуда ҳам кенг бўлган, — дейди муаллим биз билан суҳбатда. — Ҳовли атрофига 300 туп мевали дарахт кўчатларини ўтказганман. Ҳозирги кўриб турганингиз эса ўша боғимдан кичик бир ёдгорлик, холос.

Дарҳақиқат, Эргаш ота ҳам оилани, ҳам ишни ўйлайдиган инсонлардан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам у ўтган умридан нолимайди.

У кишининг ҳаётдаги ақидаси ягона: «Ҳалол меҳнат ва эзгуликка ёндошиб яшаш». Ота ана шундай яшаб кам бўлмади. Бугун у инсонни ҳамма бирдек ҳурмат қилади. Тўрт фарзанднинг қалби дарё отаси, ўн икки набиранинг меҳрибон буважониси... Ҳалол меҳнатлари муносиб баҳоланган. Кўксидаги «Халқ таълими аълочиси» унвони белгиси бундан далолат бериб туради.

Муаллимларни боғбонга қиёслашади. Зеро, дарахтнинг тик ва одил ўсишида боғбон заҳмати қанчалик бўлса, инсон феъл-атворини шакллантиришда муаллимнинг шу қадар ҳиссаси бор. Менимча, уларнинг эзгуликка ёндошиб яшашлари айни мана шунда ўз исботини топади.

**Умиджон САТТОРОВ**

# НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

**25 НОЯБРДАН 1 ДЕКАБРГАЧА**

**25 ноябрда:**

□ Алишер Навоий номидаги Санъат саройида муаллиф ва режиссёр З. Мусоқовнинг «Осмондаги болалар» бадиий фильми намойиши давом этмоқда. Томоша соат 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00 да бошланади. Кичик залда эса Валижон Шамсиевнинг «Қайтмас» бадиий фильми соат 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.

□ Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрида «Диёнатга хиёнат» спектакли намойиш этилади. Томоша соат 15.00 да бошланади.

**26 ноябрда:**

□ Ўзбек Миллий академик драма театрида С. Имомов асари «Эргинамнинг орзуси» комедия спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

□ Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида «Трубадур» балет спектакли соат 18.00 да бошланади.

**27 ноябрда:**

□ Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида «Ёзилмаган мактуб» спектакли соат 17.00 да бошланади.

□ Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Сеҳрланган шаҳзода» спектакли соат 11.00 да намойиш қилинади.

**28 ноябрда:**

□ Республика қўғирчоқ театрида «Нўхат бола» спектакли соат 11.00 ва 12.00 да бошланади.

□ Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида таниқли рассомлар Алишер Мирзо, Баҳодир Жалол ва Акмал Нур ижодлари кўргазмаси давом этмоқда.

**29 ноябрда:**

□ Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрида С. Имом асари «Соибхўжа операцияси» комедияли спектакль соат 18.00 да бошланади.

□ «Қозоғистон» номли кинотеатрда Америка бадиий фильмлари намойиш этилади.

**30 ноябрда:**

□ Ўзбек Давлат цирки республика бирлашмасида «Туялардаги акробатлар», Ўзбекистон халқ артисти Х. Зарипов бошчилигидаги «Ўзбекистон йигитлари», шунингдек ўргатилган кучуклар, гимнастлар, масхарабозлар иштирокида ранг-баранг дастур. Томошалар 12.00, 15.00 да бошланади.

□ «Илҳом» ёшлар театрида «Медея» номли спектакль соат 18.30 да намойиш этилади.

**1 декабрда:**

□ Ўзбек Миллий академик драма театрида Э. Хушвақтов асари «Қаллиқ ўйини» спектакли соат 18.00 да бошланади.

**ҚАТРА**

**Она-табиатимиз яратган бутун борлиқнинг ўз сеҳрли куйи, қўшиғи бор. Улар ҳам шўх, ҳам ғамгин, ҳам жўшқин куй-қўшиқлардир. Уларни табиат ҳар бир фаслнинг ўзига хос олами билан бетакрор яратган.**

# Кузнинг сеҳрли қўшиғи

Кузда оппоқ бепоён пахта далаларимиз, тилларанг сарғиш либос кийган жаннатмакон боғ-роғларимиз, дарёларимиз устидан, мусаффо, мовий осмонимиздан қатор-қатор тизилишиб, саф тортиб қурқурлашиб учиб ўтаётган само малаклари — турналарнинг қўшиғи сеҳри бизнинг вужудимизни шундай ларзага келтирадики, улар кўзларимиздан йироқлашиб учиб ўтиб кетсаларда, қўшиғи қалбимизга, вужудимизга кузнинг сеҳрини жойлаб кетади. Ва ҳар кузда биз шу бетакрор сеҳрли овозни эшитганимизда вужудимиз энтикиб кетади.

Кузда сой, булоқ, жилғалардан оқаётган зилол сувлар ҳам ҳар бир тошларни меҳр билан силаб, сийпаб, ўз қўшиғини шошиб оқиб куйлаб кетаверади. Дарахтлар ҳам вужудидаги сўнгги бора титраётган хазон барглари қўшиғини шундай фарёд билан куйлайдики, осмонни қора булутлар қоплаб чақмоқ чақиб бирдан шивирлаб ёмғир ёға бошлайди, бу ёмғирлар эса бизнинг вужудимизга мунгли бир куй, қўшиқ бўлиб ёғилади. Бу қўшиқни фақат ёлғиз, танҳо хазон бўлган баргни авайлаб кафтингизга олиб, қалбдан ҳис этсангиз эшитишингиз мумкин.

Булар куз фаслининг қўшиқларидир. Ўзи аслида ҳаёт ана шу мангу куй ва қўшиқлардан яралган. Аммо ҳар бир фаслнинг ўз куйи, қўшиғи, сеҳри бўлиб ундан шу фаслнинг ички бир туғёнлари, армонлари, фарёдлари таралиб туради.

Фасллар ўткинчи. Улар яна қайта такрорланаверади, лекин куйи, қўшиғи, сеҳри такрорланмасдир. Бутун борлиқ эса ҳар бир фаслнинг ўз сеҳрли куйини чалиб қўшиғини айтади. Олам борлиқ эса аслида шу куйлардан яралган.

**Марҳамат МАТВАФОЕВА**

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан 2002 йил 6 августда Аманова Нигора номига берилган савдо қилиш ҳуқуқини берувчи № 0521730 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Давлат техника университетининг «Электроника ва автоматика» факультети жамоаси Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш кафедраси мудири академик Нодирбек Рустамбекович Юсупбековга акаси

**Носирбек РУСТАМБЕКОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг ректорати жамоаси ва нормал физиология кафедрасининг ходимлари кафедра доценти, даволаш факультети деканининг ўринбосари А. Б. Саидовнинг волидаи муҳтарамаси

**Насибахон ая САИДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009. Босмага топшириш вақти 13.00 Топширилди 14.30 1 2 3 4 5 6